

Qishloq hayoti

2016 йил Соғлом она ва бола йили

Кишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2016-YIL 25-FEVRAL, PAYSHANBA, 24 (8575)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqqan boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.



Аъло АБДУЛЛАЕВ (УзА) олган сурат.

МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ МАНБАИ

Мамлакатимизда
2016-2020 йилларда
98 та болалар
музыка ва санъат
мактаби барпо
этилади

2

БУНЁДКОРЛИК ВА ЯШАРИШ ФАСЛИ



Хут кирди. Табиат уйғонишга юз тутди. Октябрда қўқуллар буй кўрсатди. Шўҳроқ дарахтлар кўртак очди. Оламда баҳор нафаси сезилди.

Кўкка етдик, омонликка етдик, дея кексаларимиз шукрона айтди. Оташқалб ёшларнинг шижоати жўшди. Мусаффо осмонга чарақлаб чиққан қуёш дилларни-да нурафшон этди. Кўнгилларда ҳам баҳор нафаси кезди. Эзгулик ва бунёдкорлик, яратувчилик кайфияти қалбларимизни равшан этди.

Аёллар сумалак тараддудига тушишди. Момоларимиз уни пишириш удумларини ёшларга ўргатади. Сумалак – баҳорнинг шоҳ ва тансиқ таоми. Кўпни кўрган фариштамисол момоларимиз кўшиқ айтади:

Дошқозонда сумалак,
Ковламаган армонда,
Бир-бирининг кўнглини,
Овламаган армонда.
Сумалакжон, сумалак,
Сумалакжон, сумалак...

Ҳар биримиз яхши тилаклар билан сумалак ковлаймиз. Элга, юртга тинчлик доимо ёр бўлишини, йил баракали келишини ният қиламиз.

Кўнлар илиши билан деҳқон уйда ўтирармиди, кетмонини олиб, даласига ошиқади. Кўпчиган, қиш уйқусидан уйғонаётган ерга боқиб, олдинда турган ишларни хомчўт қилади. Олажак ҳосилини тасаввур этади.

Ҳамма кўкламги экиш мавсумига тайёргарлик кўрмоқда. Баракали ҳосилга шу даврда мустаҳкам замин яратилади-да.

Богбонларнинг ташвиши ортгандан ортади. Ахир дарахтлар уйғонмоқда. Баҳорнинг бир куни йилга татийди, дейишади кўпни кўрган бободехқонлар. Деҳқон учун кўкламнинг дақиқалари-да қадрли. Бу ҳақда шундай муболағали гаплар ҳам юради: эмиш-ки, деҳқон ерга уруғ қадаётган вақтда бир уруғ омонча илиниб қолиб, бировдан сўнг тушганмишу, унинг ҳосили бошқаларига нисбатан яхши бўлмаганмиш.

Баҳор насимлари яйловларга ҳам ўзгача фусун бахш этмоқда. Қишловдан чиққан чорва яйловга кетишга ҳозирланмоқда.

Баҳор ўзи билан Наврўз муҷдасини ҳам олиб келди.

Азалдан ушбу байрам ободлик, яратувчилик ва бунёдкорлик айёми бўлиб келган. Наврўзни ўзгача меҳр билан, интиқлик билан кутган юртдошларимиз байрам арафасида катта бунёдкорлик ишларини амалга оширадидилар. Юрт ободликка юз тутиб, боғларга, ҳовли-жойларга, хиёбонларга, кўчаларга мевали, манзарали дарахтлар, гул кўчатлари экилади. Буларнинг

барчасида эзгулик мужассам бўлади, ободлик ва фаровонлик акс этади. Бу мўътабар айёмда турли низо ва адоватлар унутилади, одамлар қалбида шафқат ва мурувват, ҳамжихатлик, саховат каби инсоний туйғулар жўш уради. Зеро, тинчлик – дунёдаги энг бебаҳо неъмат! Барча эзгу ишларнинг дебочаси ундан бошланади.

Истиклол йилларида Наврўз мазмунан ва шаклан бойиди. Президентимиз Ислоҳ Каримов ташаббуси билан ҳали собиқ тузум ҳукмрон бўлиб турган пайтларда, яъни 1990 йилдан 21 март юртимизда Наврўз умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлана бошланди. Наврўз халқимизнинг яна қадрдон айёмига айланди.

Юртбошимизнинг жорий йил 19 февралдаги "2016 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига асосан мамлакатимизнинг барча гўшаларида баҳор байрамига қизгин ҳозирлик бошланиб кетди.

Уюштирилаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш тадбирларида шаҳар ва туманлардаги кўчалар, майдонлар, хиёбонлар тартибга келтирилиб, мевали ва манзарали дарахт ҳамда гул кўчатлари ўтқазилмоқда. Кексаларимиз ҳолидан хабар олиниб, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларга мурувват кўрсатилмоқда.

Юртдошларимиз яшариш ва эзгулик айёми Наврўзи оламни ана шундай кўтаринки руҳда кутиб олмоқдалар.

Анвар БОТИРОВ

САҲИФАЛАРДА

Уйлар чароғон,
диллар мунаввар **3**

Буюк
композиторнинг
ғурурбахш, умрбоқий
асарлари **4**



Иссиқхонани ер ости
суви иситади **5**

Банк сармояси –
орзуларга қанот **6**

МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ МАНБАИ

Мамлакатимизда 2016-2020 йилларда 98 та болалар музика ва санъат мактаби барпо этилади

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 18-болалар музика ва санъат мактабида ташкил этилган матбуот анжуманида бу борадаги ишларнинг кўлами ва аҳамияти ҳақида сўз юритилди.

Халқ таълими вазири У.Иноятов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида миллий музика санъатимизни янада раванг топтириш, санъатсевар болаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидорини юзага чиқариши учун муносиб шарт-шароит яратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлдаги “Болалар музика ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”-ги қарорига мувофиқ шу йилларда 136 болалар музика ва санъат мактаби янгидан барпо этилди, 142 таси реконструкция қилинди ва таъмирланди.

Матбуот анжуманида журналистлар 18-болалар музика ва санъат мактаби фаолияти мисолида юртимизда сўнгги беш йил ичида музика ва санъат таълими ривожини йўлида амалга оширилган ишлар ва уларнинг самаралари, истиқболдаги режалар билан таништирилди.

2010 йили қайта таъмирланган мактаб бугун санъат сирларини ўрганишга ошурфта ёшларнинг сеvimли масканига айланган. Ҳозир бу ерда 320 дан зиёд ўғил-қиз билим ва маҳоратини оширмоқда. Улар малякали ўқитувчи ва мураббийлардан миллий ва жаҳон музика асбобларини чалиш, анъанавий хонандалик, тасвирий ва амалий санъат каби 14 йўналиш бўйича сабоқ олаётир.

Ёш иқтидор соҳибларини аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш, уларни юксак ижодий парвозлар сари руҳлантириш борасида амалга оширилаётган бундай кенг кўламли ишлар самарасида ўғил-қизларимиз нуфузли халқаро кўрик-танловлар ҳамда музика ва санъат фестивалларида юксак натижаларни кўлга киритиб, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч қачон кам бўлмаслигини намойён этмоқда.

1991 йилда республикамиздан атиги 3 ўқувчи халқаро танловларда иштирок этган. 2014 йилда 300 га яқин ўғил-қиз миллий ва жаҳон музика асбобларини чалиш, анъанавий ва академик хонандалик, хореография йўналишлари бўйича қатор халқаро танловларда қатнашган ва уларнинг 122 нафари голиблик шохсупасига кўтарилган.



Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган сурат.

2015 йилда уларнинг сони 137 нафарга етиб, 76 таси Гран-при ва биринчи ўрин эканини алоҳида таъкидлаш керак.

Яккасарой туманидаги 18-болалар музика ва санъат мактабида эстрада хонандалиги йўналишида ўқиётган Жаҳонгир Жамолов улардан бири.

– Бу ерда эстрада хонандалиги йўналишида ўқиш баробарида фортепьяно чалишни ҳам ўрганиб бораётман, – дейди Жаҳонгир. – Ўтган йили ёзда Италияда ўтказилган “Sun of Italy” халқаро кўрик-танловда қатнашиб учинчи ўринни эгалладим. Томошабинларнинг олқишидан Ўзбекистондек буюк юрт фарзанди эканимдан фахрландим. Президентимизнинг, халқимизнинг чексиз ғамхўрлиги, меҳр-эътибори самарасини яна бир бор ҳис этдим. Биз, ёшлар яратиб берилаётган беқиёс имкониятлардан унумли фойдаланиб, Ватанимиз обрў-эътибори бундан-да юксалишига ҳиссамизни қўшмоғимиз зарур.

Президентимизнинг 2015 йил 20 ноябрдаги “Болалар музика ва санъат мактаблари фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича 2016-2020 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида”ги қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш ва янги босқичда давом эттиришда муҳим дастуриламал бўлаётир.

– Ушбу ҳужжат ҳамда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг яқинда бўлиб ўтган Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида Президентимиз томонидан белгилаб берилган устувор вазифалар ижроси доирасида ишлаб чиқилган манзилли дастурга мувофиқ 2016-2020 йилларда 14 минг 700 ўринли 98 болалар музика ва санъат мактабини

барпо этиш белгиланган. Улар 72 номдаги ўқув қўлланма ва адабиётлар, ноталар тўплами ҳамда кўргазмали материаллар билан таъминланади, жорий йилда 18 та шундай муассасада қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади, – дейди Халқ таълими вазирлигининг музика ва санъат таълими муассасалари бошқармаси бошлиғи Қосим Отамирзаев. – Болалар музика ва санъат мактабида болалар муайян миқдорда ота-оналар томонидан тўланган бадал пули эвазига ўқитилади. Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарорига асосан тўланадиган мазкур бадал пули бир мунча арзонлаштирилди. Эндиликда Тошкент шаҳрида битта бола учун бадал пули энг кам ойлик иш ҳақининг 75 фоизи миқдорда тўланадиган бўлди. Вилоят марказларида 50, Қорақалпоғистон Республикаси ва бошқа аҳоли пунктларида 30 фоиз этиб белгиланди. Агар битта оиладан икки ёки ундан ортиқ фарзанд болалар музика ва санъат мактабида ўқийдиган бўлса, уларнинг бир нафаридан бадал пули олинади, холос. Мамлакат ва халқаро танловлар голиблари бир йил бепул ўқитилади.

Президентимиз таъкидлаганидек, фарзандларимизни соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишда жисмоний тарбия ва спорт билан бир қаторда санъат тарбияси, музика тарбия ҳам беқиёс аҳамиятга эга. Чунки жисмоний тарбия ва спорт одамнинг иродасини тарбиялаб, соғлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшса, музика санъати унинг руҳига озик беради, қалбини, энг нозик туйғуларини камолга етказилади.

Бекзод ҲИДОЯТОВ,
ЎЗА мухбири.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетида “Заҳриддин Муҳаммад Бобур – шарқнинг буюк шоири” мавзусида адабий кеча бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди грант лойиҳаси асосида ўтказилди.

ҲАР САТРИДА ВАТАН СОҒИНЧИ

Унда сўз олганлар буюк давлат арбоби, шоир Бобур ҳаёти ва ижодига тўхталдилар. Таъкидланганидек, Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ҳаёти ҳамда фаолияти халқимизнинг бой тарихида муҳим ўрин тутади. Бугун ҳам унинг ҳаёти ва ижоди ёшларимиз орасида кенг ўрганилмоқда. Хусусан, “Бобурнома” асари жаҳоннинг ўттиздан ортиқ тилларига таржима қилинган ҳамда китоб ҳолида чоп этилган.

Айтиш жоизки, истиқлол йилларида мамлакатимизда Заҳриддин Муҳаммад Бобурнинг ижоди ҳамда фаолиятини ўрганиш, хотирасини абадийлаштириш мақсадида улкан ишлар олиб борилди. Жумладан, “Бобурнома”, “Аруз рисоласи”, “Волидия” каби нодир асарлари қайта нашрдан чиқди.

Бобур лирикасида кўп учрайдиган Ватан васфи, соғинчи, юртга бўлган меҳр-муҳаббатнинг ниҳоятда юксаклиги ўсиб келаётган баркамол авлод вакилларини она Ватанни севишга, ардоқлашга, уни кўз қорачигидек асрашга даъват этади.

Тадбир сўнггида талабалар томонидан Бобур ғазаллари билан айтиладиган кўшиқлар ижро қилинди.

Жалолиддин ЭШНИЁЗОВ

ИШБИЛАРМОНЛАР МАНФААТИ ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан «Тадбиркорлар ҳуқуқлари суд ҳимоясида» мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Унда таъкидланганидек, Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, хусусий мулкнинг қонуний, меъёрий-ҳуқуқий жиҳатдан устувор ролини таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётир.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини янада ишончли ҳимоя қилиш, уларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқларини тўла таъминлаш қулай ишбилармонлик муҳитини яратишда муҳим аҳамият касб этаётир. Пировардида бу иқтисодиётнинг янада тараққий этиши, аҳолининг турмуш фаровонлиги ҳамда юртимиз нуфузи янада юксалишига хизмат қилмоқда.

Соҳа учун қулай шароитлар, имтиёз ва преференциялар яратиш, хусусий мулк

ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича қонун ҳужжатлари қабул қилинган бу борада муҳим аҳамиятга эга.

Юртбошимизнинг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга кўтарди.

Мазкур фармон ижроси доирасида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунга

мувофиқ, тадбиркорлик субъектлари фаолиятининг барча жиҳатларига тааллуқли 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларининг муносабатлари кўриб чиқилишига алоҳида эътибор қаратилиб, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, тадбиркорликни ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган ҳар қандай қонунбузилишга қарши кескин чоралар кўрилмоқда.

Бу борада суд органларининг масъулияти оширилгани тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлашга хизмат қилмоқда. 2015 йилда умумий юрисдикция судлари томонидан тадбиркорлик фаолиятига тўсиқлик қилиш, қонунга хилоф равишда аралаштириш билан боғлиқ ҳамда ҳужалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини поймол қилиш каби ҳаракатлар учун қатор жиноий ва маъмурий ишлар кўриб чиқилган. Натижада 3 нафар шахсга нисбатан жиноий ва 128 нафар шахсга нисбатан маъмурий жазо қўлланилган.

Тадбирда соҳа мутахассислари томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 188-моддасининг янги таҳририга мувофиқ, судлар томонидан 2015 йилда 12 та жиноий иш бўйича суд қарори бекор қилинган, 22 нафар тадбиркорлик субъекти вакили жиноий жавобгарликдан озод этилгани тўғрисида айтиб ўтилди.

Хусусан, Жиноят кодекси 189-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари декриминализация этилиб, судлар томонидан 22 та жиноят иши суд қарорига асосан бекор қилинган, 33 нафар шахс жиноий жавобгарликдан озод этилган.

Анжуманда тадбиркорлар ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришда замонавий имкониятлардан унумли фойдаланиш, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлигини янада кучайтириш зарурлиги таъкидлаб ўтилди.

Озод ОЧИЛОВ,
«Qishloq hayoti» мухбири.

Тошкент Вилояти

ТАЪМИНОТ КОРХОНАЛАРИДА

УЙЛАР ЧАРОФОН, ДИЛЛАР МУНАВВАР


Аҳолини электр энергияси билан сифатли таъминлаш борасига Тошкент Вилоятига ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилаётми

Аҳоли сони ва турмуш даражасининг ортиши, турли маиший техника воситаларидан кенг фойдаланиш, саноат тармоқларининг жадал ривожланиши ҳамда кўплаб янгидан-янги ишлаб чиқариш қувватларининг фойдаланишга топширилиши натижасида электр энергиясига бўлган эҳтиёж юқори суръатларда ўсиб бормоқда. Шундан келиб чиққан ҳолда юртимизда энергетика тизимини модернизация қилиш, электр энергияси таъминотини янада такомиллаштириш, ундан фойдаланишнинг самарали тизимларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Буни биргина “Тошкент худудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти жамоаси томонидан олиб борилаётган чора-тадбирлар мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Соҳага замонавий технологияларнинг кенг жорий этилиши, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланилаётгани ютуқларнинг бош омилларидан бўлмоқда. Корхона жамоаси ўтган йилни ҳам ҳар жиҳатдан муваффақиятли якунлади. Йил давомида қилиниши зарур бўлган барча чора-тадбирлар тўлиқ удраланиб, кўплаб эътиборга молик, эътирофга лойиқ натижаларга эришилди. Бу, албатта, аҳолининг электр энергия билан сифатли таъминланаётганидан далолат беради.

Корхона балансида салкам 23 минг 260 километр узунликда 0,4-6-10-35-110 кВли ҳаво ва кабел тармоқлари, 6051 та трансформатор пункти, 178 та 35-110 кВ нимстанция мавжуд бўлиб, улар орқали электр энергияси таъминоти самарали амалга ошириляпти. Ўтган йили ҳам куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўрилгани боис электр тармоқларининг барқарор ишлаши таъминланмоқда. Рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, ўтган йили мукамал таъмирлаш режасига асосан қарийб 870 километр узунликдаги ҳаво тармоқлари, 190 дона трансформатор пункти мукамал таъмирланиб, белгиланган режа тўлиқ бажарилди. Бунинг учун жами 690

миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Шунингдек, 895 километр узунликдаги 0,4-6-10-35 кВ ҳаво тармоқлари, 370 та трансформатор пунктлари, 16 та 35-110 кВ нимстанция мукамал таъмирланиб, 1 миллиард 317 миллион сўмга яқин маблағ ўзлаштирилди. Мазкур тадбирлар натижасида вилоятнинг 380 дан зиёд маҳаллаларида истиқомат қилувчи аҳолининг электр энергия таъминоти янада яхшиланди. Қолаверса, корхона томонидан жорий таъмирлаш ишлари ҳам муваффақиятли бажарилди. Режадаги 1641 та трансформатор пункти, 6 минг 610 километрдан кўпроқ узунликдаги 0,4-6-10-35-110 кВ ҳаво тармоқлари жорий таъмирланиб, салкам 266 миллион сўм маблағ ўзлаштирилди. Шунингдек, ўта юқори кучланиш билан ишлаётган 19 та трансформатор пунктлари юқори қувватлиларига алмаштирилди. Куз-қиш мавсумида юзага келиши мумкин бўлган узиллиш ҳолатларини тезкорлик билан бартараф этиш мақсадида 19 та тармоқ трансформаторлари захираси яратилди. Электр ускуналари ва ҳаво тармоқларидаги исрофларни бартараф этиш ҳамда истеъмолчиларни мустаҳкам электр энергия билан ишончли таъминлаш мақсадида 92 километрдан зиёд узунликдаги 0,4кВ ҳаво тармоқларида ўта юкланишда ишлаётган ва улама симлар замонавий турдаги СИП ўтказгичларига, эскирган ёғоч таянчлар



янги темир-бетонлиларига алмаштирилди. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойларни электр энергияси билан таъминлаш бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга ошириляпти. 2015 йил режасига асосан вилоятнинг 14 туманидаги 25 массивда бунёд этилган 1120 та уй-жойларни ташқи электр энергия билан таъминлаш мақсадида 25 ярим километр узунликдаги ҳаво тармоқлари СИП ўтказгичлар ва янги темир-бетон таянчлар асосида қурилди. 28 та трансформатор пункти ўрнатилиб, белгиланган режа ортиғи билан удраланди. Хуллас, 2015 йил давомида мукамал таъмирлаш, реконструкция ва янги қурилиш ишлари учун 22 миллиард сўмга яқин маблағ ўзлаштирилди. Яна бир эътиборли жиҳати, корхона тизимида тадбиркорлар учун ҳам қулай шарт-шароитлар яратилган. Улар туман, шаҳар электр таъминоти корхоналарида ташкил этилган “Ягона дарча” хиз-

матларидан мамнун бўлишмоқда. – Жорий йилда ҳам зимма-миздаги масъулиятли вазифаларни ўз вақтида, сифатли адо этиш учун бор куч-имкониятларимизни ишга солмоқдамиз, – дейди “Тошкент худудий электр тармоқлари корхонаси” акциядорлик жамияти директори Махсуджон Каримов. – Йил мобайнида бир ярим минг километрдан кўпроқ 0,4-6-10кВ, 205 километрдан ошиқ 35-110кВ ҳаво тармоқлари, 600 та трансформатор пункти, 17 та 35-110кВ кучланишли трансформатор, 23 та 110кВ ўчиргич, 60 та тармоқ трансформатори мукамал таъмирланса, салкам 88 километр узунликдаги 0,4кВ ҳаво тармоқлари, 50 та трансформатор пункти реконструкция қилиниши белгиланган. Намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойларни электр энергияси билан тўла таъминлаш бўйича ҳам муайян ишлар амалга оширилади. Ушбу мақсадлар учун 28 километр узунликдаги ҳаво тармоқлари, 27 та трансформатор пункти қури-

ди. Асосий мақсадимиз истеъмолчиларни электр энергияси билан таъминлашда сифат даражасига эришиш экан, бу йилда мавжуд барча имкониятлардан унумли фойдаланиб, масъулиятимизни ҳам ошириб бораверамиз.

Дарҳақиқат, корхона жамоаси электр тармоқларининг доимо соз ҳолатда бўлиши, бир маромда ишлаши, пировардида истеъмолчиларга электр энергиясини узлуксиз етказиб бериш йўлида астойдил меҳнат қилишмоқда.

Шу ўринда яна бир нарсани таъкидлаб ўтиш жоизки, истеъмолчилар ўртасида электр энергиясидан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланиш, чўғланма лампаларни замонавий, тежамкор лампаларга алмаштириш, электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўлаб бориш хусусида олиб борилаётган кенг қамровли тушунтириш ва тарғибот ишлари ҳам ўзининг қутилган самарасини бермоқда.

Раимкул СУЯРОВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

БОЖХОНА КОДЕКСИНИНГ ЯНГИ ТАҲРИРИ

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН КЕНГ ҚУЛАЙЛИК ВА ИМКОНИЯТЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ

Давлат божхона қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси билан ҳамкорликда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси мазмун-моҳиятини ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига етказиш мақсадида семинар-тренинг ташкил этилди.

Унда пойтахтимизда ва Тошкент вилоятида фаолият юритаётган 100 дан ортиқ ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакиллари, божхона расмийлаштируви бўйича мутахассислар қатнашдилар.

Тадбирда таъкидланганидек, янги таҳрирдаги Божхона кодекси 2016 йил 20 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган бўлиб, 12 та бўлим, 59 та боб ва 412 та моддадан иборат. Жорий йилнинг 21 апрелидан кучга кирадиган мазкур Кодекс божхона ишининг ягона қонунчилик базасини

ҳалқаро стандартларга мос равишда шакллантириш, божхона маъмуричилигининг барча босқич ҳамда даражаларида ҳуқуқий норма ва ёндашувларнинг бир хилда қўлланилишини таъминлаш, ташқи иқтисодий фаолиятни янада тартибга солишга қаратилган.

– Кодекснинг янги таҳририда ахборот технологияларини қўллаган ҳолда божхона расмийлаштируви, божхона назорати, хавфни бошқариш тизимини жорий этиш ва бошқа тартиб-таомилларни соддалаштиришга асосланган ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари ва божхона органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янги моделини яратиш кўзда тутилган, – дейди Ўзбекистон Рес-

публикаси Давлат божхона қўмитасининг Ҳуқуқий бошқарма катта инспектори Дилмурод Аскарров. – Шу билан бирга, мазкур ҳужжат соҳа амалиётига доир атамалар, норма ва қоидаларни бир хилда шарҳлаш ва қўллаш ҳамда божхона расмийлаштирувининг халқаро меъёрларга мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилувчи, божхона процедураларини ҳар жиҳатдан тартибга соладиган аниқ нормаларни ўз ичига олади.

Шунингдек, унда божхона органлари томонидан интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг аниқ меъёрлари, божхона экспортисидан ўтказиш тартиби ҳам ифода этилган. Соҳа фаолиятини тартибга солувчи айрим ҳаволаки нормаларни қисқартириш ва бу орқали Божхона кодексига қонун мақомини бериш, божхона органлари фаолияти шаффофлигини таъминлаш кўзда тутилган. Автотранспорт воситаларининг божхона худудига кириб келиши ёки божхона худудидан чиқиб кетишида тақдим этиладиган ҳужжатлар

рўйхати аниқ келтирилган.

Бундан ташқари, Кодекснинг янги таҳририга кўра, божхона органлари юридик ва жисмоний шахслар учун ўзларининг фаолиятига доир маълумотлардан ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида Давлат божхона қўмитаси расмий веб-сайти орқали монеликсиз фойдаланишни таъминлайди. Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимларининг жорий этилиши эса ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига божхона расмийлаштирувини амалга ошириш бора-сида қатор энгилликларни яратади. Ўз навбатида, мазкур тизим божхона органларига тақдим этиладиган ҳужжатлар сонини ҳам камайтиради.

Семинар-тренинг давомида Кодексни янги таҳрирда қабул қилишга сабаб бўлган заруратлар, унинг ўзига хос жиҳати ва афзалликларни хусусида батафсил тушунчалар берилди.

Шодиёр ЙУЛДОШЕВ,
“Qishloq hayoti” мухбири.

МУТАЛ БУРҲОНОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Буюк композиторнинг ҒУРУРБҲШ, УМРБҲШ асарлари

“МАФТУНИНГМАН” ФИЛЬМИ ҚАРИЙБ ОЛТМИШ ЙИЛДИРКИ, ЭКРАНЛАРИМИЗДАН ТУШМАЙДИ. ФИЛЬМНИНГ ЯШОВЧАНЛИГИГА САБАБЛАРДАН БИРИ УНДАГИ ДИЛКАШ ҚЎШИҚЛАРДИР. “ДЎППИ ТИКДИМ”, “МАФТУН БЎЛДИМ” СИНГАРИ АШУЛАЛАР ҲАМ-МАМИЗГА ЁД БЎЛИБ КЕТГАН.

Бу кўшиқлар куйини халқимизнинг буюк композитори Мутал Бурҳонов яратган. Табиатан оддий ва камтарин бўлган композитор ўзбек мусиқаси ривожига салмоқли ҳисса қўшган, уни янги жанрлар билан бойитган. Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев билан суҳбатимиз Мутал Бурҳонов ҳаёти ва ижоди ҳақида бўлди.

Рустам ака жавонга териб қўйилган китоблардан бир нечасини олиб қўлимга тутқазди – бастакор яратган мусиқалар жамланмаси. Ўзи дераза ёнидаги фортепьянода беназир истеъдод соҳибининг бой ижодий меросидан намуналар ижро этишга киришди.

Бу мусиқаларнинг аксарияти таниш. Жуда кўп эшитганмиз. Лекин ҳар сафар тинглаганимизда қалбимизда аллақандай туйғулрар тугён қилади. Ана шу исмсиз туйғулрарга ном топишга уринамиз. Уринамиз-у... юракларимиз баттар орзиқиб кетаверади.

– Мутал Бурҳоновнинг маҳорати ҳам шунда, – деди Рустам ака гўё ботинимда бош кўтарган галаённи сезгандай. – Қаердадир ўқигандим: ёзувчи ўқувчини ишонтириш учун унга аввало ўзи ишониши, йиғлатиш учун йиғлаши, қулдириш учун кулиши керак. Юракдан чиқарса, юракка боради. Худди шундай, Мутал ака ҳам наинки мусиқани, ҳар бир нотани юракдан чиқариб ижро этарди. У кишининг кўшиқ ва вокал-симфоник асарлари, сахна ҳамда кино мусиқалари тингловчининг қалбига кириб боради.

Рустам Абдуллаев бизга бу нодир истеъдод соҳибни ўзининг баркамол ва жозибали асарлари билан юртимизни дунёга танитгани, оригинал, миллий асарлари билан бошқалардан ажралиб туриши хусусида эшитган, кўрган, билганларини сўзлаб берди. Гапнинг буёғини уларнинг ўзидан эшитинг:

– Мутал ака билан, янглишмасам, йиғирма ёшимда танишганман. Ўшанда у киши аллақачон моҳир композитор сифатида танилган эди.

Мутал ака иштирокидаги концертни томоша қилиш ёки репетиция жараёнини кузатиш кишига олам-олам завқ бағишларди. Бир воқеа сира ёдимдан чиқмайди. Уша йилларда симфоник оркестр жамоаларидан бири қандайдир йирик тадбирга тайёргарлик кўраётган экан. Оркестрга бош – Мутал ака. Мусиқа муаллифи ҳам ўзи. Ҳар бир созанда ва у чалаётган куй бастакорнинг эътиборидан четда эмас. У кимнинг ижросидан мамнун бўлса, бошини ўша томонга қаратиб “баракалла”, дегандай эгиб қўярди. Дилхун бўлса, дарров тўхта-тар, хатосини айтиб тузаттирар ва келган жойидан давом эттирарди. Шу тариқа мусиқа маромига етмагунча такрор-такрор ижро этилди. Ниҳоят, мусиқа Мутал ака истаганидай чалинди. Буни жамоага билдириб, ҳар эҳтимолга қарши яна бир бор ижро этишни таклиф қилди. Мусиқа бошланди. Бир парда кўтарилди. Финал қисмида доирачилардан бири “қовун туширди”, денг. Битта “бум”ни ортиқча уриб юборибди. “Бум” дегани доиранинг ўртасига уриладиган зарб, “бак” эса остига уриладиган зарб бўлиб, ҳар қайси куйда уларнинг миқдори қатъий белгиланган бўлади. Бастакор доирачининг бир зарбни ортиқча урганига чидаёлмай тутақиб кетади: “Бум” йўқ эди-ку, бу ерда!... Шу тариқа у киши ўта қаттиққўл, талабчан устоз, жонсарак ижодкор сифатида таассурот қолдирган.

Мутал Бурҳоновнинг истеъдоди билан бирга, маънавий-ахлоқий фазилатлари ҳам юксалишида у вояга етган муҳит, зиёлилар билан яқин муносабатда бўлгани асқотган. Буни унинг ўзи ҳам эътироф этган. Бастакор болалик хотираларини эслар экан, Фитратни яқиндан билганини, унинг уйига тез-тез бориб турганини айтади.

Фитратнинг уйи Мутал ака

учун катта бир дорилфунун бўлган. Бу уйда у Чўлпон, Фафур Фулом, Хамид Олимжон билан учрашган, Шарқ мусиқасининг ҳақиқий гўзаллигини кашф этган, унинг бениҳоя рангларга бой, битмас-туганмас бир хазина эканига ишонч ҳосил қилган. Бухоро, Самарқанд, Фарғона, Тошкентнинг машҳур хонандалари, созандалари ва мусиқашунослари билан учрашиб, улардан кўп нарса ўрганган.

Дастлаб, амакиси Мукамил Бурҳоновдан (дарвоқе, устознинг тўлиқ исми Мутаваккил), кейин машҳур танбурчи Ота Ғиёс Абдуғанидан танбур чертишни ўрганган. Мутал ака ноёб истеъдод эгаси эди. Буни Самарқанддаги Ўзбекистон мусиқа ва хореография институтидаги Ота Жалол Носиров, Абдуқодир Исмоилов, Абдурахмон Умаров сингари кўплаб устозлар дарҳол сезган ва у билан жиддий ишлаш бошлашган.

Эҳтимол, унинг онгу шуурига: “Даҳо – бу 99 фоиз меҳнат, бир фоиз истеъдоддан иборат. Агар сен ўз устингда мунтазам ишлашни давом эттирмасанг, унда Аллоҳ инъом этган иқтидор ҳам сенга ёрдам беролмайди, ўз-ўзидан сўнади. Сенда мақсадга эришишнинг икки муҳим кирраси мужассам: бу – интизом ва қатъиятдир. Шунинг маҳкам тут”, деб сингдиргандир.

Сингдиргани аниқ, бўлмаса “Эй, булбул”, “Ишқ ўти”, “Гул диёрим”, “Гўзал Фарғона”, “Ватан қўшиғи”, “Табасум қилмадинг”, “Юрак садоси”, “Келса ногоҳ...”, “Нега тарк этдинг”, “Унутмас мени боғим”, “Шоир орзуси”, “Баҳор қўшлари” сингари романс, кўшиқлар, яккахон ва симфоник оркестр учун баллада, романс-поэма, вокал-симфоник поэмаларни яратмаган бўларди.

Мутал Бурҳонов биринчилардан бўлиб “Гўзал қизга”, “Ёрларим”, “Сари кўхи баланд”, “Заррагул”, “Бибигул”, “Айрилик”, “Сайра”, “Дударай”, “Чашми сиёҳ”, “Гули гандум”, “Дамкул-дамкул” каби ўзбек, қорақалпоқ, уйгур, қозоқ, афғон, тожик, эрон халқ кўшиқларини акапелла хори учун мослаштириб, мураккаб ижодий масалани муваффақиятли еча олди.

Устознинг ички дунёси жуда мураккаб эди. Гоҳ кувнок, гоҳ гамнок эди. Агар синчиклаб ўргансангиз, асарларининг аксариятида

мунг устун эканига амин бўласиз. Бунинг сабаби ўша даврларда яқинларидан эрта жудо бўлгани, руҳан эзилганида бўлса керак, деб ўйлайман.

Биласизми, ўша кезларда классик мерос, яъни мақомни эъозлаш эмас, таҳқирлаш, тепкилаб йўқотиш авж олган эди. Бунга Мутал ака биринчилардан бўлиб қарши чиққан. Бу бой меросни ҳар томонлама асраб-авайлаш, келажак авлодга бус-бутун етказиш учун кўп иш қилган. Шундай шароитда бу чинакам жасорат намунаси эди. Эҳтимол, айнан шу сабаб классик мусиқамизнинг муҳим бир қисми келажак авлодлар учун сақлаб қолинган.

Бастакорнинг бу иши ўша давр раҳбарларига ёқмайди. Бир баҳона топиб, номини булғамокчи бўлишади. Бўлар-бўлмас гаплар тарқатишади, тухмат уюштиришади, турли уқубатларга гирифтор қилишади. Лекин ҳар қанча уришимасин, метин иродасини синдира олмайди. “Ҳақиқат эгилади, аммо синмайди” деб ўзига далда беради, ижод қилади ва ҳақиқат юзага чиқади.

Мутал ака ижодининг асосий қисмини вокал мусиқаси ташкил этади. Лекин композиторнинг бадиий сўз устаси, солист, аралаш хор ва катта симфоник оркестр учун яратган “Алишер Навоийга” поэма-қасидасини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу ҳақиқий дурдона!

Менда шу асарнинг диски бор. Оригинал варианты. Истасангиз, қўйиб бераман.

Ўша йиллари театрда Уйғун ва Иззат Султоннинг “Алишер Навоий” драмаси сахнага қўйилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммадjon шундай ёзган:

“Алишер Навоий” спектаклига композиторимиз Мутал Бурҳонов куй ёзган. Мусиқа ўша замон муҳитини тўла тасаввур эта олиш имкониятини беради. Айниқса, шу спектакль учун ёзилган ва ҳали парда очилмасдан оркестр томонидан ижро этиладиган куйда томошабинларни ўша давр ҳаётига олиб кирадиган шундай жозибали оҳанглар мавжуд эдики, ўз-ўзидан парда очилиши билан ўтирганлар сахнада пайдо бўлган воқеалар ичига кириб кетарди. Айниқса, Мўмин Мирзо ўлими муносабати билан бошланган мотам кунда қора либос кийган кишилар пайдо

бўлганида мумтоз куйлар жаранглаб, унга мақомнинг энг юқори пардаларидаги ашулалар жўр бўлиб турар эди”.

...Ватанимиз мустақилликка эришгач, Президентимиз ташаббуси билан давлатимизнинг миллий рамзларини яратишга киришилди. Мадҳиямиз учун танлов эълон қилинди. Танловда Мутал Бурҳонов мусиқаси голиб бўлди!

Мутал ака истиқлол йилларида ҳам самарали ижод қилди. “Ширу шакар”, “Ватан бизга меҳрибон”, “Бухорои шариф” сингари бири иккинчисини такрорламас болалар хори, акапелла хори учун кўшиқларга мусиқалар ёзди.

Президентимиз Мутал Бурҳоновнинг миллий мусиқа санъати, маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссасини муносиб тақдирлади. “Меҳнат шўрат”, “Эл-юрт ҳурмати”, “Буюк хизматлари учун” орденлари билан мукофотланди.

Бу йил ана шундай буюк композитор Мутал Бурҳонов таваллудига 100 йил тўлади. Шу муносабат билан бир қатор ташкилот ва муассасалар ҳамкорлигида таълим муассасалари, ҳарбий қисмлар, қорхона ва ташкилотлар, маҳаллаларда бастакорлар, санъаткорлар, адиблар ва олимлар иштирокида Мутал Бурҳонов ижодига бағишланган илмий-амалий конференция, улашувлар, бадиий-маърифий кечалар, анжуманлар ташкил этилмоқда.

Бастакорнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган фото кўргазма, санъат, маданият коллежалари ва академик лицей ўқувчилари ўртасида танлов ўтказилиши мўлжалланган.

Инсон умри охирлаб қолганида босиб ўтган йўлига қарайди. Ўзига ўзи ҳисоб беради. Шунда яшаган умри бор бўй-басти билан кўз ўнгида намоён бўлади. Чинакам ижод кишиси буни ўз асарига кўчиришга интилади.

Стол устидаги Мутал Бурҳонов китобларидан бирининг номи эътиборимни тортди – “Абадий хотира”...

Президентимиз ташаббуси билан бундан 16 йил аввал Юнусобод туманидаги Бўзсув канали бўйида “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуаси барпо этилди. Икки мингинчи йил, ўн иккинчи май кунининг очилиш маросими бўлди. Юртбошимиз қарийб 150 йил давом этган мустамлакачилик даврида жафокаш халқимиз бошига тушган оғир савдолар, мусибатли синовлар ҳақида сўзлади. Рамзий сағана яқинида турган машҳур бастакор Мутал Бурҳонов маржон бўлиб оқаётган кўз ёши билан гоҳ давлатимиз раҳбарига, гоҳ мажмуага, гоҳ рамзий қабрга қарайди. Унинг акаси, икки амакиси ва поччаси қатағон қурбонлари бўлган. М.Бурҳонов умрининг охирларида уларнинг порлоқ хотирасига бағишлаб, “Абадий хотира” ревиюем-марсиясини яратди. Мутал Бурҳонов мустақил давлатимиз мадҳиясининг муаллифи ва кўплаб бетимсол асарлари билан минг-минглаб санъат ихлосмандлари хотирасида абадий қолди. Унинг асарларини келгуси авлодлар ҳам севиб тинглашига ишонамиз...

**Бекзод ХИДОЯТОВ,
ЎЗА муҳбири.**

Самарқанд Вилояти

ИССИҚХОНАНИ ЕР ОСТИ СУВИ ИСИТАДИ

Президентимиз раҳнамолигида озик-овқат хавфсизлигини, бозорларда йил давомида нарх барқарорлигини таъминлаш ва аҳоли дастурхони доимо тўкин-сочин бўлишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда шахсий томорқа хўжалиklarидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти беқиёс. Чунки қишлоқда ҳар бир хонадоннинг ўз томорқаси, шахсий ёрдамчи хўжалиги бор. Ушбу экин майдонларидан мақсадли фойдаланилса, нафақат рўзғор учун зарур қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш, балки эҳтиёждан ортганини бозорга чиқариб, даромад олиш ҳам мумкин.



Самарқанд вилоятидаги 503 мингдан ортиқ аҳоли хонадонининг 59 минг 500 гектардан зиёд томорқаси бор. Жорий йилда ушбу майдоннинг 11,5 минг гектарига картошка, 18,4 минг гектарига сабзавот, 3,2 минг гектарига полиз ва 14,7 минг гектарига озуқа экинлари экиш режалаштирилган. Шунингдек, 1 миллион 185 минг туп мевали дарахт кўчатлари ўтказилади.

Вилоят ҳокимлиги томонидан тузилган аҳоли шахсий ва дала томорқаларидан самарали фойдаланиш, уларга талаб этиладиган моддий ресурсларни етказиб бериш, санитар ҳолатини яхшилаш ишларини мувофиқлаштириш бўйича тузилган ишчи гуруҳлар ҳар бир маҳалла кесимида аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари уруғлиги ва дарахт кўчатларига бўлган эҳтиёжини ўрганиб, уларни етказиб бериш чораларини кўрмоқда.

Оқдарё туманидаги Суғончи маҳалласи аҳли ҳам томорқадан самарали фойдаланиб, рўзғори ободлигини таъминлаб келмоқда. Қишлоқ аҳолиси асосан сабзавот уруғи ва кўчат етиштириш

билан шуғулланса-да, иссиқхона ташкил этиб, мўл ҳосил олаётган оилалар ҳам кўп.

Шамсиддин Шихназаров хонадони ана шулардан бири. 15 сотих томорқага эга оила ҳовлининг бир қисмида табиий иситиладиган иссиқхона қуриб, лимон ва сабзавот етиштирмоқда.

– Бизнинг ҳудудда ер ости сувлари жуда яқин – 2-2,5 метрдан сув чиқади, – дейди Шамсиддин ака. – Бундай шароитда ерни қазиб, иссиқхона ташкил этиш қийин. Лекин бунинг ҳам фойдали томонлари бор. Яъни, ер юзасида иссиқхона қуриб, уни ер ости суви билан иситиш. Бунинг тажрибада синаб кўриш учун беш йил олдин ҳовлида 10х20 метрлик иссиқхона қурдик ва устини икки қават қилиб полиетилен плёнка билан ёпдик. Иссиқхонанинг бир бурчагидан 1х2 метр кенликда 2 метр, ер ости сувига чуқур қазиб қўйдик. Совуқ пайтда сувдан кўтариладиган буғ билан иссиқхонада мўътадил ҳароратни сақлаш мумкин экан. Лимон парваришлашни билмасам-да, китобдан ўқиб-ўрганганларим асосида 10 туп лимон кўчати эк-

дим. Парваришини оби-тобида қилиб, новдаларини кесиб турдим. Меҳнатимиз 2-3 йилда ўз самарасини бера бошлади. Бу йил ҳар бир дарахтдан 60-70 кило ҳосил олдик.

Бу йилги ҳосили йиғиштириб олинган лимон дарахтлари остидаги очиқ ерга Шамсиддин ака помидор уруғи селган. 20-30 кунда тайёр бўладиган бу кўчат ҳовлидаги иккинчи иссиқхонага экилади ва шу тарзда эрта баҳорда бозорга помидор чиқарилади.

– Меҳнатдан қочмаган, имкониятини билган кишига томорқа ҳақиқий хазина, – дейди Шамсиддин ака. – Оиламизнинг асосий даромадини ердан оламиз. Фарзандларим ҳам бекор қолмайди, ўқиш ва ишдан бўш вақтда, эрталаб ва кечқурун озгина жисмоний меҳнат қилиб, йил бўйи унинг ҳузурини кўрамиз, дастурхонимиз тўкин. Муҳими, доимий ҳаракатда бўлганимиз тўғрисида тани-жонимиз соғ. Фарзанду набираларимиз болалигидан меҳнатга, ердан самарали фойдаланишга ўрганмоқда.

**Ф.ҲАСАНОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.**

Навоий Вилояти

– Бу боғлар кимники?
– Тўра бобонинг боғи бу!
– Ўзимизнинг Мирзамўмин қишлоғилик тўқсон ёшли Тўра бобонингми?
– Ҳа-да! Боғ барпо бўлганига ҳам йигирма йилдан ошди. Семирянка, жоноқи олмаларининг донғи қўшни қишлоқларгача етиб борган. Яхшиси, ўзингиз ташриф буюринг, отахоннинг боғбонликда нечоғли тadbиркор, ишбилармон эканлигига гувоҳ бўласиз.



БУ БОҒНИ ТЎРА БОҒ ДЕРЛАР

Бундай гапдан кейин шу ёшда ҳам боғни яшнатиб қўйган отахон билан суҳбатлашгингиз, унинг боғбонликда орттирган тажрибаси билан ўртоқлашгингиз, ўша боғни ўз кўзингиз билан кўрингиз келади...

...Узоқ йиллар савдо соҳасида хизмат қилган Тўра бобо пенсияга чиққач уйда кўл қовуштириб ўтиришни ўзига эп билмади. Туман ҳокимлигига Конимех насос станциясига яқин жойдаги қаровсиз ерни боғ қилишни сўраб, мурожаат қилди. Етмиш ёшли отахоннинг ташаббуси кўпларни лол қолдирди. Аммо ёшларга хос серғайрат отахоннинг илтимоси қондирилди, икки гектарли ер отахонга берилди.

Айни куз чоғи бўлажак боғда иш қизиқ кетди. Мевали дарахт кўчатлари ўтказиш режалаштирилди, боғ ҳудуди текисланди, ерларга ишлов берилди. Тўра бобо Самарқанд ва Бухоро вилоятларидаги кўчат етиштирувчи энг яхши хўжаликларда бўлиб, улар билан шартномалар тузди, кези келганда бозорлардан пайванд қилинган олма кўчатларини харид қилди. Кўчатлар ўтказилиб, ҳаммаси амалга киргач, уларни меҳр билан парваришлади. Ана шундай меҳнат самараси тўғрисида боғ кўтилганидан ҳам зиёда ҳосил бера бошлади. Боғбоннинг номи эл оғзига тушди.

– Боғ шифил ҳосил бера бошлагач, унинг катта қисмини ихтиёрий равишда фермер хўжалиги тасарруфига топширдик, – дейди отахон. – Ҳозирги пайтда 0,65 гектар боғни оиламиз билан парвариш қилиб, эҳтиёжимизга яраша ҳосил етиштириб келяпмиз. Даромадимиздан кам таъминланган оилаларга, мактабгача таълим муассасаларига баҳоли қудрат кўмак бериб келмоқдамиз. Ҳозирда фарзандларим боғ парваришини ўз қўлларига олишган, мен уларга маслаҳат, йўл-йўриқ бериб тураман, холос.

Навоий вилояти Навбахор туманидаги Мирзамўмин қишлоғида кексалик гаштини сураётган пиру бадавлат отахон Тўра бобо Жўраев яратган боғ эзгу ишнинг ўлмаслигини, меҳнатсеварлик, бунёдкорлик халқимизнинг буюк фазилатларидан эканлигини тасдиқлаб турибди.

Достон МАВЛОҒОВ

Тошкент Вилояти

Хонадонга фрайз, рўзғорга барака

Ўрта Чирчиқ туманидаги «Оқ ота» қишлоқ фуқаролар йиғини Мустақиллик маҳалласида истиқомат қилувчи Тоҳир ота ва Матлуба аялар оиласига каттаю кичикнинг ҳаваси келади. Чунки ушбу ибратли оилада тотувлик, ҳамжиҳатлик, энг муҳими, меҳнатсеварлик мужассамдир.

Ҳалол меҳнат эса, шубҳасиз, инсонни бахт ва саодатга етаклайди.

Оила соҳиби Тоҳир Абдурахмонов қарийб 44 йил темирйўл соҳасида ишлаб, эъзоз ва эътибор топган меҳнат фахрийсидир. Шундай оилада тарбияланиб, камол топган Қаҳрамон Абдурахмонов отасидаги меҳнатсеварлик, онасидаги камтаринликни ҳаёти мобайнида қўллаб, кам бўлмаётир. Хонадон соҳиблари кўп йиллардан буён гул кўчати етиштириш билан шуғулланиб келади. Гулчилар хонадонига кириб борар эканмиз, саранжом-саривталик, тоза ва озодаликни кўриб баҳри дилимиз очилди. Чунки ранго-ранг, турфа гуллар файзли ховлига янада кўрк бағишларди.

– Томорқамизнинг 6 сотихида иссиқхона ташкил этганмиз, – дейди Қаҳрамон Абдурахмонов. – Иссиқхонада хо-

ридан келтирилган йигирмадан зиёд уруғлардан турли-туман гул кўчатлари етиштирилмоқда. Парваришланаётган гулларнинг петуня, шафран, вербена, катарантус, салвия каби турлари жуда харидорғир. Шунингдек, бу ерда карам, помидор, бақлажон, булғор қалампир ва бошқа экинларнинг кўчатларини ҳам парваришлаб, аҳолига етказиб бераймиз. Дехқончилик билан шуғулланиб, кам бўлмаяпмиз. Олаётган даромадимиз эвазига турмушимиз обод, ҳаётимиз фаровон.

– Анча йиллардан буён гулчилик билан шуғулланиб келаётган Абдурахмоновлар хонадони ҳудудимиздаги энг ибратли оилалардан бири, – дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Баҳриддин Қаримов. – Ҳудудимиздаги аксарият хонадонлар кафтдеккина томорқадан йилига



уч-тўрт марта ҳосил олади, дехқончиликнинг самарали усуллари тезда омалашади. Томорқада эртапишар картошка, карам, помидор, сабзи, пиёз, турли кўчатлар етиштирилади. Камчиқим, аммо сердаромад ҳосил олишнинг ушбу интенсив усули ортидан тўкин яшаётган, аҳолига нафи тегаётган миришкорлар кўпайиб бормоқда.

Меҳр-оқибатли фарзандлари, келинлари, неваралари ардоғида кексалик завқини сураётган ушбу гулчилар оиласи соҳибу соҳибаларининг юзларида нур, қалбларида эса баҳорий сурур жўш урмоқда.

Равшан МИРЗАҚУЛОВ

БАНК САРМОЯСИ – ОРЗУЛАРГА ҚАНОТ

РЕКЛАМА ХУКУКИДА



Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ўзининг ёрқин самараларини бермоқда. Тадбиркорларга яратилаётган қулай ишбилармонлик муҳитида банкларнинг ўрни муҳим аҳамият касб этмоқда. “Микрокредит-банк” акциядорлик тижорат банки ҳам ўз имкониятларидан келиб чиққан ҳолда мазкур соҳани жадал ривожлантиришга хисса қўшиб келмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 10 ноябрдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкнинг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва 2013 йил 29 мартдаги “Микрокредитбанк” очик акциядорлик тижорат банкнинг капиталлашиш даражасини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори мазкур молия муассасасининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасидаги имкониятларини кенгайтди. Фермерлик, якка тартибдаги тадбиркорлик, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш орқали янги иш ўринлари яратиш, айниқса, қишлоқ жойларда аҳолига микромолиявий хизмат кўрсатиш механизмлари такомиллашди.

Банкнинг молиявий инфра-тузилмаси кенгайиб бораётгани хизмат кўрсатишнинг қўшимча имкониятларини таъминлаб, банк мижозлари учун катта қулайликлар яратмоқда. Сирасини айтганда, банк сармояси қўллаб-қувватлашнинг орзуларига қанот бўлмоқда.

Боёвут туманидаги “Боёвут савдо ҳамкор” масъуляти чекланган жамиятида “Микрокредитбанк” мадади билан янги лойиҳа амалга оширилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва тури кўпайди. Бу ерда макарон маҳсулотларининг янги турларини ишлаб чиқарадиган замонавий ускуналар ўрнатилиб, тўртта қўшимча иш ўрни яратилди.

Ушбу лойиҳани амалга оширишда “Микрокредитбанк”нинг Боёвут тумани филиалидан олинган 31 миллион сўм кредит қўл келди, – дейди корхона раҳбари Ҳабибулло Исаев. – Айни пайтда ишлаб чиқарилаётган янги турдаги макарон маҳсулотлари савдо тармоқлари орқали истеъмолчиларга етказиб берилаётган. Келгусида қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича янги лойиҳа устида иш олиб бормоқдамиз. Унда ҳам банкнинг кўмағига суянамиз.

Хўжабод туманидаги “Барчиной” хусусий корхонасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юқори сифати ва бежирим дизайни билан харидорларга манзур бўлмоқда. Корхона фаолиятининг ривожиди ҳам банк ўзининг сармоялари билан фаол иштирок этмоқда.

Тадбиркор Раҳимберди Раҳимов ўз фаолиятини дастлаб 5 та тикув машинаси билан бошлаган эди. Ушунда бу ерда атиги икки турдаги трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариларди. Тадбиркор кейинчалик “Микрокредитбанк”нинг туман бўлимидан олинган 100 миллион сўм кредит эвазига корхонага замонавий тикув машиналари келтириб ўрнатди. Бу билан маҳсулот тури ва ишлаб чиқариш ҳажми кескин ортди.

Айни пайтда корхонада болалар, аёллар ва эркаклар кийимларидан иборат 200 турдаги трикотаж маҳсулотлари тайёрланмоқда. Уларнинг бир қисми хорижга экспорт қилинмоқда. Корхонада меҳнат қилаётган 150 нафар ишчи-хизматчининг аксарияти ёшлардир. Уларнинг самарали ишлаши учун барча шароитлар яратилган.

Ромитан туманидаги “Ромстар” корхонаси ҳам фаолиятини ривожлантиришда банкнинг молиявий кўмағидан фойдаланмоқда.

Ушбу корхонада пилла қайта ишланиб, сифатли калава ип тайёрланади. Замонавий ишлаб чиқариш ускуналари билан жиҳозланган корхонада технологик жараёнларга алоҳида эъти-



Зуҳридин УМУРЗОҚОВ (Ўза) олган сурат.

бор қаратилмоқда.

– Муҳим палла – пилла етиштирувчиларга шартнома асосида бўнак пули беришда банк бизни қўллаб-қувватлади, – дейди корхона раҳбари Қўша Каттаев. – Мавсумда “Микрокредитбанк”нинг Бухоро шаҳар бўлимидан олинган 450 миллион сўмлик кредит маблағи пилла етиштирувчиларга бўнак сифатида тарқатилди. Улар корхонага қарийб 500 тонна хомашё етказиб берди. Айни пайтда янги лойиҳалар устида ишляпмиз. Ишлаб чиқариш қуввати ва маҳсулот сифатини янада ошириш имконини берадиган мазкур лойиҳани амалга оширишда ҳам банк мададига таянамиз.

Пастдарғом туманидаги “Бека Чарос” корхонаси 2008 йилда ташкил этилган. Дастлаб саккиз киши меҳнат қилган корхонада айни пайтда 40 нафар хотин-қиз муқим иш ўрнига эга.

– 2014 йилда “Микрокредитбанк”нинг Жума филиалидан 48 миллион сўмлик кредит олдик ва фаолиятимизни кенгайттирдик, – дейди тадбиркор Гулбека Қўчқорова. – Натижада эллик хилдаги маҳсулот ишлаб чиқариш имконига эга бўлдик. Ҳозирда янги лойиҳалар устида ишляпмиз. Уларни амалга оширишда ҳам банкнинг мададига суянамиз, албатта.

Марғилон шаҳрилик Баҳодир Охунжонов “Микрокредитбанк”дан олинган 200 миллион сўм кредит ҳисобидан замонавий ишлаб чиқариш корхонаси барпо этди. Хорижий технологиялар ўрнатилган корхонада бир неча турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Айни пайтда юздан ортиқ турдаги эркаклар, аёллар ва болалар пойабзали тайёрланаётган корхонада маҳсулот сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Истеъмолчилар талаб ва таклифи асосида маҳсулотларнинг янги турлари ишлаб чиқарилмоқда. Бунинг самарасида корхона маҳсулотларига ташқи бозордан ҳам буюртмалар кўпаймоқда.

– Замонавий андозалар асосида ишлаб чиқарилаётган маҳ-

сулотларимизга талаб ортаётгани бизни янада самарали ишлашга ундамоқда, – дейди тадбиркор Баҳодир Охунжонов. – Аслида бозор иқтисодиётининг тамойилларидан бири кучли рақобатдир. Кичик бизнеснинг ривож бозорда рақобатбардош маҳсулотлар қўламини кенгайттирди. Халол, изланувчан, ишбилармон тадбиркор учун соғлом рақобат фақат интилиш ва янги мақсадларга туртки беради. Асосийси, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатли ва ҳамёнбоп бўлса, албатта, ўз харидорини топади. Корхонамизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар мижозлар эътиборида эканлиги фаолиятимизга берилган энг яхши баҳодир. Бизнинг ана шундай фаолиятимизда банкнинг ҳам муносиб улуши бор.

“Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки томонидан жорий йилда ҳам кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва якка тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни ривожлантириш учун кенг қўламли ишлар давом эттирилмоқда. Буларнинг барчаси Президентимиз раҳнамолигида қулай ишбилармонлик муҳити яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, пировардида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган изчил ислохотлар самараларидир.

Анвар БОТИРОВ

Хизматлар лицензияланган.

ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДАГИ СОБИТ ОДИМЛАР

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг туб замирида одамларнинг фаровон ҳаёт кечирishi таъминлаш, турмушини янада обод этишдек хайрли мақсад мужассам. Бу эзгу мақсадни рўёбга чиқаришга, айниқса, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида барқарор иқтисодий ривожланишга эришилиб, халқимиз фаровонлиги тобора юксалиб бораётганига республикамиздаги молия муассасалари ҳам муносиб хисса қўшаётгани эътиборга моликдир.

Маълумки, банкларнинг кредит ва инвестиция фаолияти уларнинг салоҳиятини, хизмат кўрсатиш даражасини белгилайди. Зеро, катта-кичик корхоналар, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва кенгайтиришда молия муассасаларининг мададига таянади.

Хусусан, “Агробанк” акциядорлик тижорат банки ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини оширишга сезиларли хисса қўшиб келаётган. Дарҳақиқат, мана шундай кенг қўламли амалга оширилган ишларни рақамларда кўришимиз мумкин. 2016 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банкнинг умумий капитали 470 миллиард сўм, устав капитали эса 318 миллиард сўмни ташкил этди. Банк ресурс базаси 2 трилли-

он 991 миллиард сўмга етди.

Ўтган йили банк томонидан кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантиришга 224,4 миллиард сўм, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун 931 миллиард сўм миқдоридида кредит маблағлари ажратилган. Шундан 270 миллиард сўм маблағ аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлашга қаратилган лойиҳаларга, 38,4 миллиард сўмлик кредитлар эса касб-хунар коллежлари битирувчиларининг соҳага доир бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Натижада 77,5 мингта янги иш ўрни ташкил этилди.

Ушбу маблағлар юртимизда ишлаб чиқариш, сервис ва хизмат кўрсатиш қўламлиларини кенгайтиришга, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий юксалишига, пировардида мамлакатимиз равнақиға

муносиб улуш бўлиб қўшилмоқда.

– Жорий йилда ҳам озиқ ва нооziқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, деҳқон фермерларнинг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган, – дейди “Агробанк” акциядорлик тижорат банкнинг бошқарма бошлиғи Сардорбек Истамов. – Энг муҳими, аҳоли ва мижозларга қулайлик яратиш мақсадида янги, замонавий ва тезкор банк хизматларини жорий этиш бўйича ишлар олиб борилаётган.

Молия муассасаси томонидан ўтган йилда ажратилган инвестицион кредитлар миқдори 669 миллиард сўмни ташкил этиб, белгиланган параметр кўрсаткичлари ижроси таъминланди. 2014 йилга нисбатан 130 фоизга ўсишга эришилди. Ушбу кредитлар саноатга, қишлоқ хўжалиғи, қурилиш ва транспорт, моддий-техник таъминот ва иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига йўналтирилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда молия-банк тизимини ислох этиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, ўз навбатида, тижорат банкларининг ҳам юқори

натижаларга эришини таъминламоқда. Буни хорижлик экспертлар ва халқаро молия муассасалари мутахассислари ҳам эътироф этишаётган. Жумладан, “Агробанк” АТБ фаолияти халқаро рейтинг агентликлари ҳисобланмиш “Мудис” ҳамда “Фитч Рейтингс” компаниялари томонидан “барқарор” дея баҳоланмоқда.

Миллий матбуот марказида “Агробанк” акциядорлик тижорат банки томонидан ўтган 2015 йилдаги фаолият сарҳисоби ва жорий йилда амалга оширилаётган устувор вазибаларга бағишлаб ўтказилган матбуот анжуманида ана шулар хусусида батафсил сўз юритилди.

Анжуманда Соғлом она ва бола йилида банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хусусан, ёшлар ҳамда аёллар тадбиркорлигини янада ривожлантиришга 1 триллион 196 миллиард сўм миқдоридида кредитлар ажратилиши маълум қилинди.

Тадбир сўнгида журналистларни қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоб қайтарилди.

Озод ОЧИЛОВ,
“Qishloq hayoti” муҳбири.



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди

“СОҒЛОМ ОНА ВА БОЛА ЙИЛИ” ДАВЛАТ ДАСТУРИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИГА ННТЛАРНИ КЕНГ ЖАЛБ ҚИЛИШ” МАВЗУСИДА ННТЛАР ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БОШҚА ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК ЛОЙИХАЛАРИГА ДАВЛАТ ГРАНТЛАРИ АЖРАТИШ УЧУН ҲУЖЖАТЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИ БОШЛАНГАНЛИГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Куйидаги йўналишларни назарда тутувчи ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар қабул қилинади:

- 1. Оила ва жамиятда аёлларнинг роли ва мавқеини ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, бандлигини таъминлаш, иқтисодийнинг турли тармоқлари ва соҳаларида аёллар фаолиятини муносиб рағбатлантириш, аёлларнинг ўз имкониятларини рўёбга чиқариш ҳамда кундалик уй меҳнатини енгиллаштириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш.
2. Қиз болаларнинг – бўлажак оналарнинг замонавий билимлар ва касбларни эгаллашларини таъминлашга қаратилган ишларни кучайтириш, уларда ҳаётда ўзининг муносиб ўрнини эгаллаш, келажакда соғлом ва мустақкам оила қуришнинг асосий шарти сифатида қатъий ҳаётий позицияни ва мустақил фикрлашни шакллантириш.
3. Мустақкам оила қуриш ва соғлом фарзанд туғилиши учун никоҳ тузишдан олдин тиббий кўриқдан ўтишнинг муҳимлигини, шунингдек, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг салбий оқибатлари тўғрисидаги ахборотни аҳолининг

- кенг қатламлари онгига етказиш.
4. Аҳолининг тиббий маданиятини ошириш, санитария ва гигиена, ҳомиладор аёлларнинг соғлигини сақлаш ва психофизиологик аҳолини яхшилаш, ёш оналар ва болаларни тегишли тарзда парвариш қилиш, уларнинг овқатланиш рационининг сифати ва калориялигини таъминлаш масалалари юзасидан кенг ахборот-тушунтириш ишларини ўтказиш.
5. Оила, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёллар манфаатларини ҳимоялаш, соғлом болани тарбиялашда уларнинг ролини ошириш, кучли, барқарор ва раванқ топаётган давлатнинг негизи сифатида оила институтини мустақкамлаш масалаларига бағишланган амалий тадбирларни амалга ошириш.
6. Мамлакатимизда тинчлик, осойишталик ва фаровонлики янада мустақкамлашнинг муҳим шарти сифатида оилаларда соғлом маънавий муҳитни, хусусан, эр-хотин, ота-оналар ва фарзандлар, қайнона ва келин ўртасида, қўшнилар ўртасида ўзаро ҳурмат-эҳтиром, эзгулик ва меҳр-муҳаббат муҳитини яратишга қўмаклашиш.

- 7. Жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялаш, азалий миллий қадриятларни сақлаш ва мустақкамлаш, жамиятда юксак ахлоқ муҳитини қарор топтиришда оиланинг ролини кучайтириш.
8. Оила, оналик ва болалик муҳофазаси соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилиш, шунингдек, “Соғлом она ва бола йили” Давлат дастурининг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш.
Давлат гранти ажратилиши учун куйидаги ҳужжатларни тақдим этиш зарур:
1. ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган кузатув хати.
2. www.fundngo.uz сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.
3. Охириги ўзгартиш ва қўшимчалар билан давлат рўйхатидан ўтган ННТлар ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг Устави (Низоми) нусхаси.
4. Ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

- 5. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
6. Манфаатдор давлат ва жамоат ташкилотларининг илтимосномалари, тавсия хатлари илова қилиниши мумкин.
Битта лойиҳа учун ажратиладиган грант миқдори – 25 миллион сўмгача.
Ҳужжатлар 2016 йил 10 февралдан 10 мартгача қабул қилинади.
Ҳужжатлар “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди” номига “Ўзбекистон почтаси” орқали юбориладиган муҳрланган конвертларда (А4 форматда) куйидаги манзил бўйича қабул қилинади: 100035, Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 1-уй.
Ҳужжатларни тақдим этиш шартлари ва намуналари билан Жамоат фондининг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.
Маълумот учун телефонлар: (0-371) 239-26-76, 239-26-64.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ
1. Баликчи туманидаги БЎСМни мукамал реконструкция қилиш ва 18 м. х 42 м. ўлчамдаги спорт зали қурилиши.
Объектнинг бошланғич нархи: КҚС билан 2.810.206.365 сўм, ҚҚСсиз 2.341.838.638 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 210 кун.
2. Шахрихон туманидаги БЎСМ биноларини мукамал реконструкция қилиш ва 11 м. х 25 м. ўлчамдаги ёпик сузиш ҳавзаси қурилиши.
Объектнинг бошланғич нархи: КҚС билан 3.790.424.359 сўм, ҚҚСсиз 3.158.686.966 сўм. Ишларни тугаллаш муддати – 210 кун.
Буюртмачи: Андижон вилояти ҳокимлиги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси.
Манзили: Андижон шаҳри Навоий кўчаси 45-уй. Тел: (998 74) 223-61-08, 223-08-28.
Молиялаштириш манбаси: Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан.
Бошланғич қиймати 500 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади, бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади.
Марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан молиялаштирилаётган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов (тендер) савдолари фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотлар қўйилади.
Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар куйидаги шартларга жавоб беришлари керак: танлов савдолари предмети-нинг 20 фоизи миқдоридеги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юза-

Table with 2 columns containing registration details for 'IT TRANSPORT SERVICE' and 'ALU AKBAR SAVDO SERVIS' companies.

«ЭНЕРГОТАЪМИР» МТИЧ АЖ
2016 йил 4 март куни акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши бўлишини маълум қилади
Манзил: Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Мўйноқ кўчаси 201-уй.
Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти 14:20 дан 14:50 гача.
Акциядорлар шахсини тасдиқловчи ҳужжатини тақдим қилиши керак.
Акциядорларни навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақида огоҳлантириш реестри 2016 йил 22 февралда тузилсин.
Акциядорларни навбатдан ташқари умумий йиғилиш ўтказилиши ҳақидаги реестри 2016 йил 29 февралда тасдиқлансин.
Кун тартиби:
1. Эълон қилинган қўшимча акцияларнинг умумий ўртача қийматини аниқлаш.
2. Жамият уставига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш.
3. Жамият кузатув кенгаши тўғрисидаги йўриқномага қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш.
4. Жамият томонидан қўшимча чиқарилган пуллик тўланадиган акцияларга акциядорларга нисбатан устунлик ҳуқуқ қўлланилмаслиги тўғрисида.
КУЗАТУВ КЕНГАШИ

Table with 2 columns containing registration details for 'FRESH FLAVOR FOODS' and 'ALIAS-PHARMA' companies.

“МУБОРАКНЕФТГАЗ” МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИ
экспортга жўнатиш мақсадида сабзавот ва дуккакли маҳсулотлар (помидор, бодринг, мош, нўхат, пиёз) етиштириш учун тажрибага эга, малакали (олий ёки ўрта-маҳсус маълумотли) мутахассисларни ишга қабул қилиш бўйича танлов эълон қилади.
Номзод сўхбат асосида ишга қабул қилинади. Муносиб иш ҳақи ва яхши натижаларга эришган тақдирда қўшимча рағбатлантирилади.
Мурожаатлар 01.03.2016 йилгача қабул қилинади.
Номзодлар куйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин: Қашқадар вилояти Муборак тумани Занжирсарой кўчаси 1-уй.
“Муборакнефтгаз” МЧЖ Кадрлар бўлими.
Мурожаат учун тел/факс: 0-375 672-13-75, 672-45-64.
Телефон: +99891 470-62-25 (Бобур Эрисов).

РЕКЛАМА



2016 йил 17 февралда

MOODY'S

халқаро рейтинг агентлиги

“АСАКА”
акциядорлик
тижорат банкининг

рейтингини тасдиқлади.

Барча рейтинглар
истиқболи
“БАРҚАРОР”

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОНЛАР

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти томонидан 1993 йда NIJRABI MOHAMAD ASIF номига берилган У № 000212 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Сергели т. ҳокимлиги ҳузурдаги ТСРҮИ томонидан (реестр № 002403-06, 21.01.2010 й.) рўйхатга олинган “UNIVERSAL NICE BUILDING” МЧЖ (СТИР 301455406) таъсисчиларининг 19.02.2016 й.даги 1-сонли байномасига асосан тугатилади. Даво ва аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой муддат ичида (97) 480-36-39 тел. рақами орқали қабул қилинади. Манзил: Тошкент ш., Сергели т. Нилуфар 3-тор кўч. 1-уй.

“MAURAS” МЧЖ Устав фонди 516 500 сўмдан 377 000 сўмга камайтирилишини маълум қилади.

Каримов Гайрат Абдуганиевич номига Тошкент ш. Олмазор т. ТошГосМи мавзе 12-уй 77-хонадон учун берилган уй плани ва кадастр ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

“Тошкент шаҳар ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати” ДУК томонидан Тожиёв Хайрулла Файзуллаевич номига М.Улуғбек т. Қодиров кўч. 24-уй учун 22.12.2008 й.да берилган № 4827 рақамли маълумотнома ва Қодиров кўч. 37-уй учун 22.12.2008 й.да берилган № 4826 рақамли маълумотнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш Департаменти томонидан “FAVORITE MOTORS” МЧЖ номига йўловчиларни шаҳарда микроавтобусларда ташиш учун 22.01.2016 й.дан 31.12.2016 й.гача берилган АТ № 0091595 рақамли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.



AFC
CHAMPIONS
LEAGUE

ДУРАНГЛАРГА БОЙ ТУР

Тошкентнинг “Локомотив” жамоаси Осиё чемпионлар лигасининг биринчи тури доирасида ўз майдонида Саудия Арабистонининг “Ал-Иттиҳод” клубини қабул қилди.



“А” гуруҳидан жой олган жамоаларнинг ўзаро учрашуви қизгин курашлар остида ўтди. Уйиннинг 34-дақиқасида “Ал-Иттиҳод” жамоаси аъзоси Гелмин Ривас ҳисобни очди. Иккинчи бўлимда футболчиларимиз ташаббусни қўлга олди. Учрашувнинг 89-дақиқасида мезбонлар вакили Сардор Мирзаев ҳисобни тенглаштирди.

Даствабки бир очкони қўлга киритган “темирйўлчи”лар иккинчи тур учрашувини 1 март куни ўтказмади.

Осиё чемпионлар лигасида қатнашаётган Тошкентнинг “Бунёдкор” клуби Саудия Арабистонининг “Ал-Наср” жамоаси меҳмони бўлди.



“В” гуруҳидан жой олган мазкур жамоалар ўртасидаги кескин ва мурасасиз баҳсда 3:3 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этилди. “Бунёдкор”нинг голларини Достонбек Ҳамдамов (2 та) ва Шакер Зуаги киритди.

Осиё чемпионлар лигасининг “С” гуруҳидаги биринчи тур учрашувлари доирасида Тошкентнинг “Пахтакор” жамоаси Саудия Арабистонининг “Ал-Ҳилол” жамоасини қабул қилди.

Кескин курашларга бой ўтган ўйинда 2:2 ҳисобидаги дуранг натижа қайд этилди. “Пахтакор” жамоасининг голларини Игорь Сергеев ва Даврон Ҳошимов киритди.

ЎЗА

Бош муҳаррир:
Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси
Агрисаноат комплекси
таркибидagi ҳамда шу
тармоққа дахлдор
вазирлик ва идоралар.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Шухрат ТЕШАЕВ, Улғбек УЗОҚОВ,
Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулло ЮНУСОВ,
Яшин ХИДИРОВ, Эркин КУДРАТОВ,
Фарход ОМОНОВ, Абдивахоб ТАМИКАЕВ,
Ботир СУЛАЙМОНОВ, Маҳмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир
ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош
муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин
АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

ТЕЛЕФОНЛАР:

Қабулхона — 236-26-50, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-26-49, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-26-35, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-44-43, Факс — 233-44-43, 233-09-93.

ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:

Қорақалпоғистон Республикаси — (+99890) 592-62-04; Андижон — (+99893) 630-73-03; Бухоро — (+99891) 401-29-59; Жиззах — (+99893) 940-00-27; Навоий — (+99894) 374-77-62; Наманган — (+99893) 948-53-86; Фарғона — (+99890) 407-76-03; Самарқанд — (+99893) 994-57-08; Сирдарё — (+99894) 168-23-60; Сурхондарё — (+99890) 519-86-50; Тошкент — (+99890) 976-39-58; Хоразм — (+99890) 438-71-25; Қашқадарё — (+99891) 635-08-03.

Реклама
ва
эълонлар:

236-26-50,

233-28-04.



Ўзбекистон Мағбуот ва
ахборот агентлиги
томонидан 2009 йил 13
февралда № 0020-рақам
билан рўйхатдан ўтказилган.

Навбатчи
муҳаррир:

Ш.ЙЎЛДОШЕВ

Мусахҳих:

М.БОБОМУХАМЕДОВА

Дизайнер:

Н.ТЕМИРОВ

Газета сешанба, пайшанба,
шанба кунлари чиқади.
Буюртма Г-219,
ҳажми 2 босма табок.

Офсет усулида
босилди, қоғоз
бичими А-3.

Манзилимиз:
100000, Тошкент,
Мағбуотчилар
кўчаси, 32-уй.

E-mail:
info@qishloqhayoti.uz

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.20
23907 нусхада чоп этилди. Нашр индекси — 144

Газета тахририятнинг
ўзида компьютерда
терилди ва
саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмаҳонасида босилди.
Манзили: “Буёқ Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5